

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

203 Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби
ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғри-
сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2578*

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ–308-сонли «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шунингдек наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 22 майдаги 106-сонли «Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1587, 2006 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 244-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ТЕШАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 26 март,
66-сон

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2014 йил 26 мартдаги 66-сонли буйруғига
ИЛОВА

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чор-ва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

наслчилик — селекция мақсадида наслдор ҳайвонларни урчитиш, насли маҳсулот етиштириш ва ундан фойдаланиш;

наслдор ҳайвон — келиб чиқиши хужжатлар билан тасдиқланган, муайян зотни такрор кўпайтириш учун фойдаланиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳайвон;

насли маҳсулот (материал) — наслдор ҳайвон, унинг уруғи ва эмбрионлари, наслдор тухум, ипак қурти уруғи;

бонитировка — ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини баҳолаш;

генофонд (кам сонли) зот — муайян зотга мансуб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги кам учрайдиган ҳайвонлар гуруҳи;

наслчилик объектлари — наслдор ҳайвонлар — қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчқалар, шунингдек паррандалар, балиқлар, асаларилар, ипак қурти, ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг насли маҳсулот (материал)лари;

наслчилик субъектлари — наслчилик иши билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналар ва хўжаликлар, селекция марказлари, ипподромлар, иммуногенетик назорат лабораториялари, назорат-синов станциялари, эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) марказлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар — насли маҳсулот эгалари;

наслдор ҳайвонлар ва наслдор подаларни давлат рўйхатига олиш — келиб чиқишини аниқлаш ва маҳсулдорлигини белгилаш мақсадида наслдор ҳайвонлар ҳамда наслдор подалар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш.

2. Наслчилик хўжалиги мақоми наслчилик билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахсларга (бундан буён матнда талабгорлар деб юритила-

ди) кишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг муайян тури бўйича уларнинг мурожаатига асосан берилади.

3. Наслчилик хўжалиги мақоми Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси (бундан буён матнда Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси деб юритилади) томонидан берилади.

4. Наслчилик хўжаликлари мақоми қуйидаги тоифалар бўйича берилади:

1) наслчилик хўжалиги сифатида камида уч йил фаолият юритаётган ҳамда маълум бир соф зот бўйича юқори маҳсулдорлик хусусиятига эга бўлган ҳайвонлар подасини урчитиш, янги линия, оила ва типлар яратиш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — наслчилик заводи мақоми;

2) камида уч йил давомида наслдор ҳайвонларни соф зотли урчитиш усулида урчитиб, наслчилик заводлари билан ҳамкорликда муайян зотни такомиллаштириш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — наслчилик хўжалиги мақоми;

3) маълум бир ҳайвон зотларини замонавий усулларда такомиллаштириш, уларнинг янги зотларини яратиш ва кўпайтириш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — селекция маркази мақоми;

4) наслдор отларни синовдан ўтказиш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — ипподром мақоми;

5) такомиллаштирилаётган наслдор ҳайвонларни генетик усулда баҳолаш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — иммуногенетик назорат лабораторияси мақоми;

6) наслчилик субъектларига наслдор ҳайвонларнинг қиймати, маҳсулдорлиги ва сифатини баҳолаш, назорат қилиш ва олинган маълумотларни расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатадиган талабгорларга — назорат-синов станцияси мақоми;

7) турли зотлардаги юқори генетик маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган наслни яхшиловчи наслдор эркак ҳайвонларни сақлаш ва улардан олинган уруғ билан ҳайвонларни сунъий уруғлантириш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — кишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сунъий уруғлантириш корхонаси мақоми;

8) турли зотлардаги юқори генетик маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган наслни яхшиловчи наслдор она ҳайвонларни сақлаш ва улардан эмбрионлар тайёрлаш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) маркази мақоми;

9) она ҳайвонларни сунъий уруғлантириш учун наслдор эркак ҳайвонларнинг музлатилган уруғлари банкни ташкил этиш ва сотиш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — эркак ҳайвонлар уруғларини сақлаш ва сотиш корхонаси мақоми;

10) кам сонли ва йўқолиб бораётган кишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг турлари ва зотлари, маълум бир эволюцион хусусиятини наслдан-наслга ўтказиш қобилятига эга бўлган ҳайвонларни шакллантириш, урчитиш, сақ-

лаш янги зот ва типлар яратиш бўйича фаолият олиб бораётган талабгорларга — генофонд хўжалиги мақоми.

5. Бир тоифадаги наслчилик хўжаликлари мақомини бошқа тоифага ўтказиш мазкур Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.

2-боб. Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш бўйича ҳудудий аттестация комиссияларини ташкил этиш

6. Талабгорларнинг наслчилик хўжалиги мақомига лойиқлигини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш бўйича ҳудудий аттестация комиссиялари (бундан буён матнда Комиссиялар деб юритилади) ташкил этилади. Комиссиялар таркиби Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан ҳар уч йилда қайта тасдиқланади.

7. Комиссиялар таркибига ҳудудий чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциялари (бундан буён матнда ҳудудий инспекциялар деб юритилади) бошлиқлари (Раис) ва мутахассислари, ҳудудий давлат ветеринария бошқармалари ходимлари, шунингдек келишув асосида наслчилик бўйича тажрибали мутахассислар киритилади.

8. Комиссия аъзоси бўлган инспекция бошлиқлари (Раис) ва мутахассислар бошқа ишга ўтган тақдирда, ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли мажбуриятларни бажариш зиммасига юкланган шахслар Комиссия таркибига киритилади.

Зарур ҳолларда, Комиссия раиси томонидан наслдор ҳайвонларнинг алоҳида турлари бўйича мутахассислар Комиссиялар ишига эксперт сифатида жалб этилиши мумкин.

9. Комиссия раиси:

Комиссия фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Комиссия иш тартибини тасдиқлайди;

Комиссия йиғилиши ўтказиладиган санани белгилайди;

Комиссия йиғилишини олиб боради, у томонидан қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди.

Комиссия раиси меҳнат таътили, касаллик ёки бошқа сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини бажариш Комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

10. Комиссиянинг барча ҳужжатлари унинг аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

3-боб. Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш

11. Талабгор наслчилик хўжалиги мақомини олиш учун Комиссияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Ўз номи (юридик шахс учун — унинг номи, жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда манзилини кўрсатган ҳолда Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғи номига ариза;

жисмоний шахслар учун — шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг, юридик шахслар учун — таъсис ҳужжати ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

ходимлари ва уларнинг чорвачилик соҳасидаги маълумоти ҳамда иш стажини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (диплом, меҳнат дафтарчасининг) нусхалари;

наслчилик заводи, наслчилик хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сунъий уруғлантириш корхонаси, эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) маркази ҳамда генофонд хўжалиги мақомини олишга талабгорлар учун — охириги уч йил давомида ўтказилган насли маҳсулот (материал) бонитировкаси натижалари бўйича маълумотномаларнинг нусхалари. Бунда наслчилик хўжалиги мақомига эга бўлган хўжаликлардан сотиб олинган ёки хорижий давлатлардан келтирилган наслдор ҳайвонлар сони мазкур Низомнинг 1 — 13-иловаларида белгиланган минимал талабларга мувофиқ бўлган ҳамда талабгор томонидан уларнинг наслдорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, охириги уч йил давомида ўтказилган насли маҳсулот (материал) бонитировкаси натижалари бўйича маълумотномаларнинг нусхаларини тақдим этиш талаб этилмайди;

тегишли қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари турлари бўйича наслчилик хўжалиги мақомини олиш учун мазкур Низомнинг 1 — 13-иловаларида белгиланган минимал талабларга жавоб бериши ҳақида талабгор томонидан тасдиқланган маълумотлар.

12. Ариза қабул қилинган кундан бошлаб тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги етти кун ичида Комиссия томонидан талабгорнинг хўжалигига борган ҳолда ўрганилади. Бунда талабгорнинг фаолияти тегишлилиги бўйича қуйидаги йўналишларда аттестациядан ўтказилади:

наслчилик ҳисоб-китобини ва ҳужжатларини юритиш;

наслчилик ресурсларининг яхшиланиши, сақланиши, такрор кўпайтирилиши ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

ҳайвонлар маҳсулдорлиги ҳисоб-китобини юритиш, типи бўйича таснифлаш, келиб чиқишини генетик экспертиза қилиш (иммуногенетик назорат лабораторияси бўлмаган ҳудудларда уларнинг генетик келиб чиқишини (генотипини) таҳлил қилиш) ва уларни ўз маҳсулдорлиги ҳамда авлодининг сифати бўйича баҳолаш талабларини бажариш;

уруғ олиш учун фақат такрор кўпайтириладиган наслдор эркак ҳайвонлардан фойдаланиш, уруғ ва эмбрионларни технологик ва ветеринария-санитария талабномаларида белгиланган шарт-шароитда тайёрлаш, идентификациялаш ва сақлаш;

насли маҳсулотнинг (материалнинг) сифатини кафолатлаш.

13. Талабгорнинг фаолиятини аттестациядан ўтказиш вақтида Комиссия

томонидан ҳудудий ветеринария бўлимлари орқали талабгорнинг эпизоотик барқарорлиги ҳам ўрганилади.

14. Талабгорнинг наслчилик хўжалиги сифатида доимий фаолият олиб бориш имкониятлари қўйидаги йўналишлар бўйича таҳлил қилинади ва маълумотнома тузилади:

штатида наслчилик ишлари бўйича зоотехник (бонитёр) ва сунъий уруғлантирувчи техник ходимларнинг мавжудлиги;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари наслни такомиллаштириш, ўз подасини тўлдиришда наслчилик заводларида етиштирилган ёки хориждан олиб келинган наслдор ҳайвонлар билан тўлдириб бориши, селекция ютуқларидан самарали фойдаланиши;

ўзи етиштирган насли маҳсулотларни (материалларни) наслдорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга аукционлар ёки шартнома асосида турли юридик ва жисмоний шахсларга етказиб бериши;

селекция-наслчилик ишларида илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланиши, пода селекциясида ўзининг наслчилик ишлари режаси мавжудлиги;

ҳар бир наслдор ҳайвон замонавий усулларда тамғаланган ёки уларнинг келиб чиқишини аниқ идентификация қилиш имконини берадиган бирон-бир бошқа йўсинда белги қўйилганлиги;

насли маҳсулот (материал) бонитировкасининг ўз вақтида ўтказилиб борилиши, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш асосида поданинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

Давлат наслдор ҳайвонлар китобларига киритиш учун тақдим этган ва киритилган наслдор ҳайвонларининг мавжудлиги;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сунъий уруғлантириш корхонаси учун наслдор ҳайвонларнинг хусусий маҳсулдорлиги ва авлодларининг сифати бўйича баҳоланиши;

наслчилик бўйича давлат тармоқ дастурларига мувофиқ ўзларининг наслчилик режаларини ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириши;

насли маҳсулотнинг келиб чиқиши, сақланиши, баҳоланиши ва насл сифатини тасдиқловчи зоотехник ҳужжатлари мавжудлиги;

насли ҳайвонларни асраш ва парваришда мустаҳкам озуқа таъминоти (йил давомида бир хил озиклантириш типи) яратилган бўлиши;

соғин сигирлар тўлиқ замонавий соғиш ускуналари билан соғилиши;

ўз фаолиятида зоотехника, ветеринария ва санитария талабларига риоя қилинишини таъминлаши.

15. Комиссия томонидан ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотлар унинг йиғилишида муҳокама қилинади ҳамда мазкур Низомнинг 14-илоvasида белгиланган шаклга мувофиқ наслчилик хўжалиги мақомини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича далолатнома тузилади.

Мазкур далолатнома Комиссиянинг талабгорни наслчилик хўжалиги мақомини бериш учун тавсия этиш ёки рад этиш ҳақидаги қарори ҳисобланади ҳамда Комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси далолатномага ўз фикр-мулоҳазаларини киритишга ҳақли.

16. Наслчилик хўжалиги мақомини бериш учун тавсия этиш рад этилганда, тақдим этилган ҳужжатлар талабгорга уч кун ичида ёзма равишда асослантирилган жавоб билан қайтарилади. Талабгор Комиссия томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этган тақдирда, мазкур Низомда белгиланган тартибда қайта мурожаат қилишга ҳақли. Бунда тақдим этилган ҳужжатларни илгари кўрсатилмаган янги асослар билан қайтаришга йўл қўйилмайди.

17. Талабгор наслчилик хўжалиги мақомини бериш учун тавсия этилган тақдирда, бу ҳақда тузилган далолатнома талабгор томонидан берилган ариза ва талабгорнинг мазкур Низомнинг 1 — 13-иловаларида белгиланган минимал талабларга жавоб бериши ҳақида талабгор томонидан имзоланган маълумотларни илова қилган ҳолда уч кун ичида Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясига тақдим этилади.

18. Комиссиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси томонидан ўн кун ичида экспертизадан ўтказилади.

19. Тақдим этилган ҳужжатларга асосан Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғининг талабгорга наслчилик хўжалиги мақомини бериш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинади.

20. Наслчилик хўжалиги мақоми берилган талабгор ҳайвонларининг алоҳида тури кўрсатилган ҳолда Давлат наслчилик регистрига киритилади ҳамда унга мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шаклда Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилади.

21. Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома тегишли талабгорга топшириш учун уч кун ичида ҳудудий инспекцияга юборилади.

22. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясига тақдим этилган далолатнома, ариза ва маълумотномаларнинг нусхалари ҳамда талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тегишли ҳудудий инспекцияларда наслчилик хўжалиги мақоми тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида сақланади.

23. Наслчилик хўжалиги мақоми беш йил муддатга берилади. Бунда наслчилик хўжалиги ўз мақомини сақлаб қолиш учун наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин ҳудудий инспекцияга қайта аттестациядан ўтиш ҳақида мурожаат қилиши зарур. Қайта аттестация мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида ўтказилади.

24. Наслчилик хўжалиги мақомини бериш бўйича аризани кўриб чиққанлик, наслчилик хўжалиги мақомини берганлик ҳамда наслчилик хўжалигини қайта аттестациядан ўтказганлик учун йиғим ундирилмайди.

4-боб. Наслчилик мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бекор қилиш

25. Ҳудудий инспекциялар барча тоифадаги хўжаликларда наслчилик ишининг юритилишини назорат қилади.

26. Наслчилик хўжаликларида наслчилик ишининг юритилишини назорат қилиш жараёнида уларга қўйилган талаблар бузилганлиги ёки унда сурункали юқумли касалликлар тарқалганлиги аниқланган тақдирда, Комиссия томонидан наслчилик мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Юқоридаги ҳолатларнинг мавжудлиги Комиссия томонидан тасдиқланган тақдирда, бу ҳақда наслчилик мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида далолатнома тузилади ва у уч кун ичида Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясига тақдим этилади.

27. Наслчилик мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида далолатнома Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғининг наслчилик мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги буйруғини қабул қилиш учун асос бўлади.

28. Наслчилик мақоми берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома бекор қилинган тақдирда, мазкур хўжалик Давлат наслчилик регистрдан чиқарилади ҳамда унга берилган гувоҳнома бекор қилинади.

5-боб. Яқуний қоида

29. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

А. АБДУҲАКИМОВ

2014 йил 26 март

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Сут-гўшт йўналишидаги қорамоллар зотларини
урчитиш ва селекция-наслчилик ишлари билан
шуғулланувчи хўжаликларга қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Кўрсаткичлар	Наслчилик заводи	Наслчилик хўжалиги	Генофонд хўжалиги
Сигирлар сони, бош	100	30	30
Соф зотли сигирлар улуши, %	100	100	50
Умумий подадаги элита рекорд ва элита классга мансуб она моллар сони	90	80	-
Бир йилда бир сигирнинг зотлар бўйича I класснинг минимал кўрсаткичларига нисбатан сут миқдори, сут ёғи, оқсил ишлаб чиқариш (ўртача пода бўйича), %	150	130	100
Бир ойда сут маҳсулдорлигини назорат қилиш даврийлиги, марта	1	1	1
Зотлар бўйича сут маҳсулдорлиги:			
қора-ола зотлар, кг	5000	4000	
қизил зотлар, кг	4100	3500	
қўнғир зотлар, кг	4000	3300	
бушув зоти, кг	3100	2900	
симменталь (флегфих) зоти, кг	4800	4400	
бошқа зотлар, кг	6000	4500	
Сунъий уруғлантирилган сигирлар ва ғунажинлар, %	100	100	-
Шундан, яхшиловчи наслдор буқалар билан сунъий уруғлантирилган сигир ва ғунажинлар, %	100	100	-
100 сигирдан бузоқ олиш, бош	85	83	80
Тирик вазни бўйича зот талабининг I классига жавоб берадиган урғочи ғунажинлар, %	100	100	80
Жами 100 сигирдан тайёрлаб сотилган насл, бош	10	10	-
Шу жумладан, насли буқалар	2	-	-
Жами насл учун сотилган молларда элита рекорд ва элита класс зотлар:			
буқалар	100	100	-
ғунажин ва таналар	80	70	-
I класс ғунажин ва таналар	20	30	-
Лактация даврининг якуни бўйича 7000 кг ва ундан кўп сут берган сигирлар сони, %	15	10	-
Буқа берувчи сигирлар гуруҳлари, %	60	40	100
Насл учун сотиладиган ёш моллар, %	100	100	100

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Қорамолчиликда гўшт йўналишидаги зотларни
урчитиш ва селекция наслчилик ишлари билан
шуғулланувчи хўжаликларга қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Кўрсаткичлар	Наслчилик заводи	Наслчилик хўжалиги	Генофонд хўжалиги
Сигирлар бош сони, бош	100	30	30
Соф зотли ҳайвонлар улуши, %			
насли буқалар	100	100	100
сигирлар	100	70	50
IV авлод сигирлар улуши, %	-	30	-
Элита-рекорд ва элита классга мансуб ҳайвонлар улуши, %			
насли буқалар	100	100	90
сигирлар	70	50	40
Ёш молларни тирик оғирлиги бўйича:			
элита-рекорд ва элита класслар улуши, %			
эркакларда: 6 ойликда	60	50	40
15 ойликда	60	50	40
урғочиларда: 6 ойликда	65	50	40
15 ойликда	60	50	40
100 сигирдан бузоқ олиш, бош	80	80	77
Тирик вазни бўйича зотнинг I класс талабидан кам бўлмаган гунажинлар улуши, %	90	80	50
100 она мол ҳисобига насл учун жами сотилган ёш моллар, бош	15	10	-
Шу жумладан, буқачалар	5	2	-
Сотилган насли ёш молларнинг элита рекорд ва элита класслари сони, %			
буқачалар	100	95	50
гунажин ва таналар	55	50	30
Келиб чиқиши бўйича генетик экспертизаси ўтказилган ҳайвонлар улуши, %			
Наслдор буқалар	100	100	100
Буқа берувчи сигирлар гуруҳи	100	100	100

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Қўй ва эчки зотларини урчитиш билан шуғулланувчи
наслчилик хўжаликларига қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Қўрсаткичлар	Наслчилик заводи	Наслчилик хўжалиги	Генофонд хўжалиги
Она қўйлар (она эчкилар) ва бир ёшдан катта тўқлилар сони, бош	1500	300	500
Шундан, элита ва I класс, %	80	70	70
Наслдор қўчқорлар сони (такалар) — элита класс, %	100	100	100
100 бош онадан олинган қўзи (эчки), бош	100	95	95
Онасидан ажратишгача бўлган даврда ёш қўзиларни сақлашни даражаси, %	95	95	95
Наслдор қўчқор (така)ларни авлодларининг сифати бўйича баҳолаш, асосий наслдор қўчқорларга нисбатан, %	100	-	-
Она қўйларни сунъий уруғлантириш, бош	100	100	-
Тирик оғирлиги, I классга нисбатан, %			
Наслдор қўчқорлар (такалар)	125	115	115
Селекция ўзагидаги она қўйлар (она эчкилар)	125	115	115
Селекция гуруҳи ўзагидаги она қўйлар (она эчкилар)	115	110	110
100 бош она қўйга нисбатан тайёрлаб сотилган насли ёш қўйлар, бош	15	15	-
Шу жумладан, қўчқорчалар (такачалар)	10	5	-
Шундан элита класс, %	50	40	
I класс ва элита класс тўқлилар, %	50	40	
Жун қирқими (пух тарам), I класс талабига нисбатан, %			
насли қўчқорлар (такалар)	110	105	105
она қўйлар	105	100	100
Онасидан ажратиш пайтидаги тирик оғирлиги, I класс талабига нисбатан, %			
қўчқорчалар (такачалар)	110	100	100
тўқличалар (эчкичалар)	105	100	100
Наслдор қўчқорларнинг келиб чиқишини тасдиқлаш бўйича генетик экспертиза ўтказилганлиги, %	100	100	100

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Қоракўл қўй зотларини урчитиш билан шуғулланувчи
хўжаликларга қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Кўрсаткичлар	Наслчилик заводи	Наслчилик хўжалиги
Жами она қўйлар сони, бош	2500	300
Шундан, соф зотли, %	100	100
Подага нисбатан она қўй ва тўқлиларнинг улуши, %	60	62
Шундан, элита класс ва I класс, %	90	80
Подага нисбатан наслли қўчқорлар улуши, %	2	2
Шундан, элита класс, %	100	100
Авлодларининг сифати бўйича баҳоланган қўчқорлар, %	100	-
100 бош она қўйдан олинган қўзи, бош	100	90
Сунъий қочирилган она қўйлар, %	100	100
100 бош она молга нисбатан насл учун сотилган қўзилар, бош	15	10
Шу жумладан, қўчқорчалар, бош	10	5
Шундан, элита класс, %	100	100
Йирик ва ўрта ўлчамдаги қоракўл териларининг чиқиши, %	95	95
Қоракўл териларда ихтисослаштирилган рангнинг улуши, %		
қора	100	98
кулранг	45	40
сур	60	50
оқ	50	45
бинафша	40	35
I навли қоракўл терилари, %		
қора ранг бўйича	86	84
шу жумладан, жакет гуруҳи	37	35
кулранг бўйича	85	82
сур	88	86
Келиб чиқиши бўйича генетик нуқсонлари экспертиза қилинган қўчқорлар, %	100	-

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Йилқиларни урчитиш билан шуғулланувчи
ташкilotларга қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Қўрсаткичлар	Наслчилик заводи	Наслчилик хўжалиги	Генофонд хўжалик
Насли айғир ва биялар сони, бош			
Шу жумладан, отхона-ййловда сақланганда:			
айғирлар	3	2	3
биялар	50	30	30
Маданийлаштирилган уюрларда сақланганда:			
айғирлар	7	5	7
биялар	100	80	100
Уюрда сақланганда:			
айғирлар	30	15	8
биялар	300	200	120
Мавжуд отларга нисбатан соф зотли отлар, %			
айғирлар	100	100	100
биялар	100	100	100
Бонитировка бўйича зотли ҳайвонлар улуши,%			
элита классли насли айғирлар	100	100	100
элита классли биялар	60	50	20
I класс	40	40	50
Жами сотилган тойчаларга нисбатан элита класс насли ёш тойларни сотиш, %			
Салт минилувчи ва йўртоқи зотлар	80	60	-
Оғир юк тортувчи	70	55	-
Қорабайир зотлари	50	45	-
100 биядан қулун олиш			
Шу жумладан:			
Салт минилувчи ва йўртоқи зотлар	60	60	60
Оғир юк тортувчи	75	75	70
Қорабайир зотлари	75	75	70
Мавжуд отларга нисбатан келиб чиқишида генетик нуқсон мавжудлигини генетик экспертизаси ўтказиш ва паспортлаштириш, %			
Шу жумладан:			
айғирлар	100	100	100
биялар	100	100	100
айғирчалар	100	100	100
биячалар	100	100	100

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Чўчқа зотларини урчитиш билан шуғулланувчи
наслчилик хўжаликларига қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Кўрсаткичлар	Наслчилик заводлари		Наслчилик хўжаликлари	
	1-зот гуруҳи	2-зот гуруҳи	1-зот гуруҳи	2-зот гуруҳи
Асосий она чўчқалар сони, бош	200	200	50	50
Шу жумладан, соф зотли, %	100	100	100	100
Асосий подага нисбатан класслар таркиби, %				
она чўчқалар: элита-рекорд ва элита класс	75	75	70	70
наслдор эркак чўчқалар: элита-рекорд ва элита класс	100	100	85	85
барча эркак чўчқаларга нисбатан соф зотлилари, %	100	100	100	100
Она чўчқаларни баҳолаш:				
бир йилда бир бош асосий она чўчқадан бола олиш,	20	18	18	15
бош пуштдорлар, бош	11	9	10	9
21 кунликда уядаги болалар оғирлиги, кг	52	52	48	48
35 кунликда уядаги болалар оғирлиги, кг	85	80	75	70
60 кунликда уядаги болалар оғирлиги, кг	180	170	160	150
бўрдоқилашда кунлик ўсиши, гр	500	550	500	500
Асосий подага нисбатан назорат усулида бўрдоқига боқишни баҳолаш, %				
эркак чўчқалар	100	100	-	-
она чўчқалар	50	50	-	-
Ёш чўчқаларни ўстириш усулида баҳолаш, %				
эркак чўчқалар	100	100	100	100
урғочи чўчқалар	100	100	40	40
Барча олинган болага нисбатан наслга сотилган ёш чўчқалар, %	20	20	25	20
Селекция ишида ахборотлаштириш технологиясидан фойдаланиш	+	+	+	+
Келиб чиқишини генетик аномалия мавжудлиги бўйича генетик экспертиза қилиш, %				
наслдор эркак чўчқалар	100	100	-	-
эркак чўчқалар	100	100	-	-
урғочи чўчқалар	100	100	-	-

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Мўйначиликда зотларни урчитиш ва наслчилик ишлари билан шуғулланувчи хўжаликларга қўйиладиган МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

Кўрсаткичлар	Наслчилик заводи	Наслчилик хўжалиги
Асосий подадаги эркак ҳайвонлар, бош		
норка	1000	300
нутрия	200	100
Асосий подадаги элита классли (I ва II класс) ҳайвонлар улуши, %		
катта ёшдаги эркаклар	90	80
катта ёшдаги урғочилар	85	75
ёш эркаклар	95	90
ёш урғочилар	90	85
Ёш ҳайвонларни тана узунлиги*, см		
эркак норка	48	46
урғочи норка	41	39
Ёш ҳайвонлар тирик вазни**, кг		
эркак норка	2,7	2,6
урғочи норка	1,4	1,3
эркак нутрия	4,4	4,4
урғочи нутрия	4,0	3,9
Бир онадан олинган бола, бош		
норка	4,5	4,8
нутрия	6,0	6,5
Ўстириш даврида сақланиши, %		
норка	97	97
нутрия	92	92
Олинган болалардан насл учун сотилганлар улуши, %	5	5
Насл учун сотилган ёш ҳайвонларнинг элита класслари, %	90	85

* ҳар бир ҳайвон бўйича насл учун ажратишда тана йлчами, тирик вазни кўрсатилади.

** сунғий уруғлантиришда бола олиш 25 фоизгача камайишига йўл қўйилади.

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**Қуёнчиликда наслчилик ишлари билан шуғулланувчи
хўжаликларга қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Кўрсаткичлар	Наслчилик заводи	Наслчилик хўжалиги
Асосий она қуёнлар сони, бош	300	200
Асосий подадаги соф зотли қуёнлар, %		
эркак	100	100
урғочи	100	100
Элита ва I классга мансуб қуёнлар, %		
эркак	100	95
урғочи	80	70
Ёш қуёнлар	80	60
Асосий она қуёндан 1 марта бола олиш, бош	6	6
Асосий она қуёндан 3 марта бола олиш, бош	18	18
Зотлар бўйича 3 ойлик ёш қуёнларнинг тирик вазни*, кг		
оқ великан	2,4	2,4
кул ранг великан, совет шиншилласи, қора-қўнғир	2,3	2,3
кумушсимон, вена ҳаво ранги, совет мардери,	2,0	2,0
калифорния, оқ	2,3	2,3
оқ момиқ ва ангор	1,9	1,9
Зотлар бўйича 4 ойлик ёш қуёнларнинг тирик вазни*, кг		
оқ великан	3,0	3,0
кул ранг великан, совет шиншилласи, қора-қўнғир	2,9	2,9
кумушсимон, вена ҳаво ранги, совет мардери,	2,6	2,6
калифорния, оқ	2,8	2,8
оқ момиқ ва ангор	2,4	2,4
Олинган қуёнлардан насл учун сотилганлар улуши, %	25	25
Сотилган ёш қуёнчаларнинг элита ва I классга мансублари улуши, %	100	90
Ўстириш жараёнида сақланиши, %	75	75

* насл учун ажратилган ҳар бир ҳайвон бўйича минимал тирик вазни кўрсатилади.

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

**Балиқчилик зотларини урчитиш билан шуғулланувчи
наслчилик хўжаликларига қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Кўрсаткичлар	Карп	Сазан	Форель	Ўтхўр балиқлар
Наслчилик заводи				
Жами ота-она балиқлар сони, бош	600	200	600	600
Шу жумладан, соф зотли, %	100	100	100	100
элита-рекорд, элита класс, %	70	60	80	60
I класс, %	30	40	20	40
Эркак балиқлар, бош	300	100	400	300
Шу жумладан, соф зотли, %	100	100	100	100
Шундан: элита-рекорд, элита класс, %	70	60	80	60
I класс, %	30	40	20	40
Урчитиш мавсумида қатнашган ҳар бир ота балиқдан тайёрлаб сотилган насли маҳсулот (чавоқ, увулдирик), минг доза	200	25	2,5	250
Сотилган насли ота-она балиқ, бош	30	20	100	30
Зотнинг I класс талабига нисбатан, зичлиги, %	100	100	100	100
Зотнинг I класс талабига нисбатан, маҳсулдорлиги, %	100	100	100	100
Наслчилик хўжалиги				
Жами ота-она балиқлар сони, бош	600	200	400	600
Шу жумладан, соф зотли, %	80	80	90	80
элита-рекорд, элита класс, %	60	50	70	50
I класс, %	40	50	30	50
Эркак балиқлар, бош	300	100	200	300
Шу жумладан, соф зотли, %	80	80	90	80
Элита-рекорд, элита класс, %	60	50	70	50
I класс, %	40	50	30	50
Урчитиш мавсумида қатнашган ҳар бир ота балиқдан тайёрлаб сотилган насли маҳсулот (чавоқ, увулдирик), минг доза	160	20	2,0	200
Сотилган насли ота-она балиқ, бош	-	-	-	-
Зотнинг I класс талабига нисбатан, зичлиги, %	80	80	80	80
Зотнинг I класс талабига нисбатан, маҳсулдорлиги, %	80	80	80	80

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

**Парранда зотларини урчитиш билан шуғулланувчи
наслчилик хўжаликларига қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Наслчилик заводлари

Кўрсаткичлар	Товуқлар			Куркалар	Ўрдақлар	Ғозлар	Цесаркалар	Беданалар
	тухум йўналиши	гўшт тухум йўналиши	гўшт йўналиши					
Тухум берувчилар сони, минг бош	30	30	30	5	15	10	5	5
Умумий бош сонга нисбатан насл гуруҳини класс таркиби, %	60	60	60	60	60	60	60	60
элита-рекорд ва элита класс								
Бир йилда товуқ тухумдорлиги, дона	285	180	170	120	180	40	110	220
Пода айланиши	1.1	1.2	1.4					
Жами ишлаб чиқарилган тухумга нисбатан насл учун фойдаланилган тухум, %	35	40	60	70	75	80	40	40
Ёш жўжа чиқиши, %	75	75	65	60	70	60	65	70
Ёш жўжанинг сақланиши, %	95	95	95	90	93	93	94	93
Катта товуқларнинг сақланиши, %	96	96	96	95	95	94	95	95
Тизимдаги селекция уялари сони, дона	60	60	60	60	60	60	60	60
Тизим ичида чагиштиришдан бир уядаги она товуқлардан ажратиб олинган ёш жўжалар	12	15	15	15	10	10	15	15

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

I ва II тартибли паррандачилик наслчилик хўжаликлари

Кўрсаткичлар	Товуқлар			Куркалар	Ўрдақлар	Ғозлар	Цесаркалар	Беданалар
	тухум йўналиши	тухум-гўшт йўналиши	гўшт йўналиши					
Тухум берувчилар сони, минг бош	20	20	15	5	15	10	3	4
Умумий подага нисбатан насл гуруҳи,%:								
I класс (авлод-аждодлари)	70	70	70	70	70	70	70	70
II класс (ота-она)	100	100	100	100	100	100	100	100
Товуқнинг бир йилда тухум бериши, дона	270	185	165	110	170	35	100	200
Пода айланиши	1.1	1.2	1.4					
Жами ишлаб чиқарилган тухумга нисбатан насл учун фойдаланилган тухум, %	50	50	60	60	70	80	40	30
Ёш жўжа чиқиши, %	75	75	65	60	70	60	60	70
Ёш жўжаларнинг сақланиши, %	90	90	90	90	92	92	94	92
Катта товуқларнинг сақланиши,%	95	95	95	95	94	94	95	94

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

Асалари зотларини урчитиш билан шуғулланувчи наслчилик хўжаликларига қўйиладиган МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

Кўрсаткичлар	Наслчилик заводи	Наслчилик хўжалиги
Асалари оилалари сони, дона	1600	200
Шу жумладан, соф зотли, дона	1600	200
Юқори класс билан баҳоланган оилалар сони, %	60	40
Наслли маҳсулот сотиш, йил бошидаги оилага нисбатан сотилган асалари пакети,%	50	50
Она асалари оиласига, дона	10	10
Бир оиладан ялпи асал ишлаб чиқариш, кг	20	20
Қишга чидамлилиги (қишдаги асалари чиқими), %	10	10

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

**Тут ипак қурти зотлари билан шуғулланувчи
хўжаликларга қўйиладиган
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Энг кам талаб
Оилалар питомнигида		
Зотлар сони	дона	4-6
Барча зотлар бўйича боқиладиган оилалар	дона	250 — 300
Барча зотлар бўйича тайёрланаётган дастлабки тухум қуймалари	дона	3000
Инкубаторга қўйиладиган тухум қуймалари	дона	2000
Танлаш жадаллиги	фоиз	50 — 60
Тухумнинг жонланиши	фоиз	95 — 98
Пилланинг ўртача вазни	гр	1,8 — 2,0
Супер элита босқичида		
Супер элита пиллаларини тайёрлаш учун инкубаторга қўйилган тухумлар миқдори	кути	10 — 15
Супер элита қуртларидан олинган ялпи ҳосил	кг	650 — 700
Бир кути супер элита қуртидан олинган пилла	кг	60 — 70
Супер элита пиллаларини танлаш жадаллиги	фоиз	60 — 70
Супер элита тухумларини тайёрлаш	кути	280 — 300
Бир кг пилладан тухум чиқиши	гр	45 — 60
Тухумларнинг жонланиши	фоиз	95 — 98
Пилланинг ўртача вазни	гр	1,8 — 2,0
Элита босқичида		
Элита тухумларини тайёрлаш учун боқиладиган қуртлар ҳажми	кути	280 — 300
Етиштирилган элита пиллалари ҳажми	М	16 — 20
Бир кути тут ипак қуртидан олинган пилла	кг	65 — 70
Элита пиллаларини танлаш жадаллиги	фоиз	60 — 70
Элита тухумларни тайёрлаш ҳажми	кути	3000
Элита тухумларининг жонланиши	фоиз	95 — 98
Пилланинг ўртача вазни	гр	1,8 — 2,0

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
14-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғи

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «___» _____

**Наслчилик субъектининг аттестация натижалари бўйича
ДАЛОЛАТНОМА
_____ -сон**

_____ тумани (шаҳри) 20__ йил «___» _____

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирининг 20__ йил «___» _____ даги _____-сонли
буйруғига асосан тузилган Наслчилик хўжаликлари мақомини
бериш бўйича ҳудудий аттестация комиссияси:**

Раис: _____

Аъзолари: _____

иштирокида _____

(вилоят, туман ва хўжалик номи)

наслчилик хўжалиги тоифасига ўтказиш учун:

наслчилик ҳисоб-китобини ва ҳужжатларини юритиш;

наслчилик ресурсларининг яхшиланиши, сақланиши, такрор кўпайтирилиши ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

хайвонлар маҳсулдорлиги ҳисоб-китобини юритиш, типи бўйича таснифлаш, келиб чиқишини генетик экспертиза қилиш (иммуногенетик назорат лабораторияси бўлмаган ҳудудларда уларнинг генетик келиб чиқишини (генотипини) таҳлил қилиш) ва уларни ўз маҳсулдорлиги ҳамда авлодининг сифати бўйича баҳолаш талабларини бажариш;

уруғ олиш учун фақат такрор кўпайтириладиган наслдор эркак хайвонлардан фойдаланиш, уруғ ва эмбрионларни технологик ва ветеринария-санитария талабномаларида белгиланган шарт-шароитда тайёрлаш, идентификациялаш ва сақлаш;

насли маҳсулотнинг (материалнинг) сифатини кафолатлашга доир масалалар кўриб чиқилди ҳамда талабгорнинг наслчилик хўжалиги сифатида доимий фаолият олиб бориш имкониятлари таҳлил қилиниб:

_____ га
(талабгор юридик шахснинг номи, жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

_____ бўйича
(наследор хайвон тури)

_____ мақомини бериш тавсия қилинди/қилинмади.
(наслчилик хўжалиги тоифаси) (кераклиснинг тагига чизилсин)

Комиссиянинг (аъзосининг) қўшимча мулоҳазаси:

Мазкур далолатномага _____ хўжали-
гининг асосий кўрсаткичлари ва ветеринария аҳволи тўғрисидаги ҳужжат-
лар илова қилинади.

Комиссия раиси: _____

Аъзолари: _____

18 (622)-сон

— 75 —

203-модда

Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга
15-ИЛОВА



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI
CHORVACHILIKDA NASLCHILIK ISHLARI
BOSH DAVLAT INSPEKSIYASI**

GUVOHNOMA ___-son

Davlat naslchilik registridagi raqami: _____

Kimga: _____

(xo'jalik manzili, viloyat, tuman, xo'jalik nomi)

_____ **bo'yicha**

(nasldor hayvonning turi, zoti)

_____ **maqomi berildi.**

(naslchilik xo'jaligi toifasi)

ASOS: O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi Chorvachilikda naslchilik ishlari bosh davlat inspeksiyasi boshlig'ining _____-yil ___ _____ dagi ___-sonli buyrug'i.

Guvohnoma berilgan sana: _____-yil «___» _____

Guvohnomaning amal qilish muddati: _____-yil «___» _____dan
_____yil «___» _____gacha.

**Chorvachilikda naslchilik ishlari
bosh davlat inspeksiyasi boshlig'i**

_____ (imzo)

_____ (F.I.O.)

M.O'.